O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG‘ONA VILOYATI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2018 yil «06» август № 395 Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг улкан адабий меросини ўрганиш мақсадида вилоятда “Эркин Воҳидов кунлари”ни ўтказиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига, хусусан Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли “Ижодкор”лар боғига ташрифи доирасида вилоят адабиёти ва маданияти вакиллари билан учрашувлари жараёнида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг улкан адабий меросини ўрганиш, халқ орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш, унинг асарларидаги Ватанпарварлик туйғуси, инсон қадри ва муҳаббат каби эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдириш, ижодидаги умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар акс этган асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, шоир издошларини кашф этиш мақсадида ҳар йили вилоятда икки марта Эркин Воҳидов кунларини ўтказиш, улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар ва маданий - маърифий тадбирлар, ёш истеъдодли санъаткорлар ижросида концерт дастурлари ва ижодий кечаларни ташкил этиш, янги қўшиқлар яратиш юзасидан қатор топшириқлар берганлар.

2018 йилнинг 19 июнь куни мазкур топшириқлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёни қабул қилинди. Ушбу йиғилиш баёни ижросини ўз муддатида ва сифатли таъминлаш мақсадида

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Олтиариқ туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг улкан адабий меросини ўрганиш ва ҳар йили икки марта Эркин Воҳидов кунларини ўтказиш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова)нинг 2018 йил август ойининг иккинчи ўн кунлигида Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан келишган ҳолда “Эркин Воҳидов кунлари” вилоят миқёсида юксак савияда ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва юқори савияда ташкил этилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Маданият бошқармаси (И.Рахимов),

Фарғона шаҳар (Ш.Эркабоев), Марғилон шаҳар (М.Убайдуллаев), Қўқон шаҳар (М.Усмонов) ва Олтиариқ туман (Х.Ниёзов) ҳокимликлари "Эркин Воҳидов кунлари"ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин ҳамда ташкилий жиҳатдан юксак тайёргарлик кўрсинлар.

5. Фарғона давлат университети (Р.Мақсудов)га Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова) билан биргаликда:

- вилоятнинг барча шаҳар туманлари, ўқув юртлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда ҳар йили икки марта ўтказиладиган "Эркин Воҳидов кунлари"ни илмий ижодий дастурини ишлаб чиқиш;

- шоирнинг улкан ижодий меросига бағишланган илмий-амалий конференцияни юксак савияда ўтказиш, анжуман материалларини китоб холида чоп этиш;

- ёш олимлар, тадқиқотчиларни Эркин Воҳидов асарлари илмий тадқиқоти ишларига жалб этиш вазифаси юклатилсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Алимова, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), вилоят халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (Қ.Ишанов), Маданият бошқармаси (И.Рахимов), вилоятдаги олий таълим муассасалари, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви (Ш.Эрматов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (А.Акбаров), Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги (Л.Бузруков)лар шоирнинг улкан адабий меросини ўрганиш бўйича мунтазам равишда адабий кечалар, танловлар (иншо, расм, шеър, қўшиқ илмий ва бадиий публицистик мақолалар), мушоиралар, учрашувлар ўтказиб борсинлар.

7. Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова) билан биргаликда 2018 йилнинг 1 декабрига қадар босқичма-босқич Эркин Воҳидов ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича қуйидаги номинациялар бўйича танловлар ташкил этсин ва ҳар бир номинация юзасидан танлов ғолибларини тақдирлаш масалалари бўйича таклиф киритсин.

Танлов ғолибларини 2018 йилнинг 28 декабрь куни Эркин Воҳидовнинг туғилган куни муносабати билан ўтказиладиган Адабиёт байрами кунларида тантанали равишда тақдирлаш белгилаб қўйилсин.

**Танловлар қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилсин:**

"Эркин Воҳидов асарлари билимдони" (мактаб, коллеж, лицей, олийгоҳлар ўқувчи ва талабалари ўртасида);

Эркин Воҳидов илмий-адабий меросига бағишланган илмий мақолалар учун (олийгоҳлар ўртасида);

Эркин Воҳидов ижодий лабараториясини акс эттирган бадиий публицистик мақолалар учун (ижодкорлар ва журналистлар ўртасида);

Эркин Воҳидов шеър, ғазалларига басталанган янги қўшиқлар учун;

Эркин Воҳидовга бағишланган шеърлар учун;

Эркин Воҳидов пьесаси асосида саҳналаштирилган драматик асарлари учун;

Эркин Воҳидов асарлари асосида Бадиий ўқиш санъати учун;

Эркин Воҳидовнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари асосида Бадиий ўқиш санъати учун (ҳарбий қисм аскарлари ўртасида);

Эркин Воҳидов ижодини кенг кўламда акс эттирган телекўрсатув, шоир асарлари асосида яратилган умуминсоний қадриятлар акс этган видеоклип, видеороликлар учун.

8. Вилоят халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова) Эркин Воҳидов номли она тили ва адабиёти ва хорижий тилларга ихтисосослашган мактаб-интернати ўқувчиларига мунтазам равишда республиканинг атоқли шоир-адиблари, адабиётшунос олимлари томонидан Эркин Воҳидов маҳорати дарслари ўтилишини таъминласин. Маҳорат дарслари ўқитувчилари меҳнати вилоят "Ижод"фонди ҳисобидан молиялаштирсин.

9. Вилоят маданият бошқармаси (И.Рахимов), "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси вилоят бўлими (А.Султонов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), вилоят Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда Эркин Воҳидов асарлари асосида янги қўшиқлар, видео клиплар, видеороликлар яратиш, шоир қўшиқлари асосида концерт дастурлари уюштирилишини таъминласин.

10. Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), Маданият бошқармаси (И.Рахимов), телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), "Фарғона ҳақиқати" (А.Тешабоев) ва "Ферганская правда" (А.Саидганиева) газеталари таҳририяти ва вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари томонидан Эркин Воҳидов ижодий меросини аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилиш, шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида китоблари тақдимотларини ўтказиш, халққа яқинлаштириш, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари И.Носиров ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Э.Сиддиқовалар зиммасига юклансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYAT HOKIMIYATI ★ BAYON QISMI

**Вилоят ҳокими** **Ш.М.Ғаниев**

*Вилоят ҳокимининг*
*2018 йил "06" августдаги*
*395-сонли*
*фармойишига 1-илова*

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг улкан адабий меросини ўрганиш ва ҳар йили икки марта Эркин Воҳидов кунларини ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлигининг ташкилий қўмитаси**

**ТАРКИБИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | И.Носиров | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси |
| 2. | Э.Сиддиқова | - | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, ташкилий қўмита раиси ўринбосари |
| 3. | У.Жабборов | - | Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи |
| 4. | М.Обидов | - | Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари |
| 5. | Х.Исламова | - | Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари |
| 6. | М.Турдиматов | - | Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Қ.Ишанов | - | Вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| 8. | И.Рахимов | - | Маданият бошқармаси бошлиғи в.б. |
| 9. | | - | вилоят Бастакорлар уюшмаси раиси |
| 10. | Ш.Эрматов | - | "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси |
| 11. | А.Акбаров | - | Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси |
| 12. | А.Саидтаджиев | - | "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси |
| 13. | И.Жалилов | - | Ислом Каримов номидаги вилоят Театр ва концерт саройи директори |
| 14. | Ш.Аслонов | - | Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят Ахборот-кутубхона маркази раҳбари |
| 15. | Р.Максудов | - | Фаргона Давлат университети ректори |
| 16. | О.Отақулов | - | Фарғона Политехника институти ректори |
| 17. | А.Эминов | - | Қўқон Педагогика институти ректори |
| 18. | Б.Мирзакаримов | - | ТАТУ Фарғона филилали директори |
| 19. | Ғ.Султонов | - | ТТА Фарғона филилали директори |
| 20. | Ш.Усмонов | - | Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали директори |
| 21. | Ж.Мамарасулов | - | Вилоят Телерадиокомпанияси директори |
| 22. | А.Тешабоев | - | "Фарғона ҳақиқати" газетаси таҳририяти бош муҳаррири |
| 23. | Г.Саидганиева | - | "Ферганская правда" газетаси таҳририяти бош муҳаррири |

*Вилоят ҳокимининг*
*2018 йил “___” августдаги*
*________-сонли фармойишига*
*2-илова*

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг улкан адабий меросини ўрганиш ва ҳар йили икки марта Эркин Воҳидов кунларини ўтказиш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Амалга ошириладиган тадбирлар | Ижро муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижоди ва босиб ўтган ҳаёт йўлини кенг ёритиш юзасидан олий ўқув юртлари, ҳарбий ватанпарвар ташкилотларда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда очиқ мулоқот ва давра суҳбатларини ташкил қилиш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), олий ўқув юртлари ректорлари, ҳарбий қисмлар |
| 2. | Ҳарбий ватанпарвар ташкилотларда, хусусан, “Темурбеклар мактаби”да шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига асосланган асарлари асосида “Эркин Воҳидов асарлари билимдони” танловини ўтказиш. | 2018 йил август-сентябрь ойлари | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Фарғона давлат университети (Р.Мақсудов), Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги (Ш.Абдуллаев) |
| 3. | Олий таълим муассасаларида шоир асарлари асосида илмий анжуман, семинар, конфиренциялар ўтказиш ва материалларни китоб ҳолида чоп этиш. | 2018 йил август-октябрь ойлари | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (А.Акбаров), олий таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | Олий таълим муассасаларида ёш олимлар томонидан шоир асарлари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш. Шоир асарларини чет тилларга таржима қилиш ва китоб ҳолида чоп этиш. | Мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (А.Акбаров), олий таълим муассасалари |
| 5. | “Минг бир асар” лойиҳаси доирасида мактаблар, коллежлар, лицейларда шоир асарлари тақдимотини ўтказиш | 2018 йил сентябрь-декабрь ойлари | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), Халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (Қ.Ишанов) |
| 6. | Эркин Воҳидов номли мактаб-интернатида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган маҳорат сабоқларини ўтказиш ва ушбу жараёнга республикадан мутахассисларни жалб қилиш | Ҳар ойда бир маротаба | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Эркин Воҳидов номли мактаб-интернати (Н.--), Марғилон шаҳар ҳокимлиги (М.Убайдуллаев) |
| 7. | Умумтаълим мактабларида Эркин Воҳидов шеърлари мисолида “Баҳрубайтлар” ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш | Мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 8. | Шоирнинг болалар адабиётига оид шеърларини мактабгача таълим муассасалари иш дастурига киритиш. | Мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Фарғона давлат университети (Р.Мақсудов), Мактабгача таълим бошқармаси (Ю.Ходжаева) |
| 9. | Ёшлар Иттифоқи вилоят кенгаши томонидан юшмаган ёшлар ўртасида “Эркин Воҳидов асарларида менинг қаҳрамоним” мавзусида иншолар, эсселар, бадиий публицистик мақолалар танловини ўтказиш | | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (А.Акбаров) |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10. | Маҳаллаларда, хусусан аёллар ўртасида шоирнинг хотин-қизларни мадҳ этувчи асарлари асосида давра суҳбати, танловлар ўтказиш. | Мунтазам | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси (С.Алимова), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви (Ш.Эрматов) |
| 11. | Шоир асарлари асосидаги юмористик асарлар орқали чиқиш қилиш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова) |
| 12. | Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига қарашли туман-шаҳарларда фаолият кўрсатаётган ўн бешдан зиёд адабий тўгаракларда шоир ижодига бағишланган адабий кечалар, ғазалхонлик оқшомлари ўтказиш | Июл, август | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 13. | Оммавий ахборот воситалари орқали Э.Воҳидов асарлари тарғиботини тизимли равишда йўлга қўйиш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |
| 14. | Вилоят телерадиокомпанияси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда шоир ижодига бағишланган видеороликлар тайёрлаш | Июл, август | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |
| 15. | Шоир издошларини кашф этиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни шоир ижодига бағишланган маҳорат сабоқлари ўтказилиб, жараёнлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаиснинг матбуот хизмати орқали ёритиб бориш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова) |
| 16. | Шоир ижодини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Эркин Воҳидов асарлари билимдони”, “Эркин Воҳидов ижодига бағишланган энг яхши назмий аса”, “Эркин Воҳидов ижодига бағишланган энг яхши насрий асар”, “Эркин | Июл, август | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Матбуот ва ахборот |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Воҳидов ижодига бағишланган энг яхши бадиий публицистик асар” номинациялари бўйича танлов эълон қилиш ва уни самарали тарзда ўтказиш | | бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |
| 17. | Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодига бағишланган “Адабиёт кунлари”ни ўтказиш | Август | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |
| 18. | Эркин Воҳидов илмий-ижодий меросини ёш авлод орасида тарғиб қилиш тизимини йўлга қўйиш, таълим-тарбия жараёнида шоирнинг ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган асарларини мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари; оммавий ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек бошқа ташкилотлар маҳаллалар ва аҳолининг барча қатламлари орасида ўрганиб бориш. | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Мудофаа бошқармаси (К.Бердиев), Халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (Қ.Ишанов), Мактабгача таълим бошқармаси (Ю.Ходжаева), олий таълим муассасалари раҳбарлари, Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |
| 19. | Шоирнинг янги шеърларига басталанган қўшиқлар танловини ўтказиш | Июл, сентябр | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Маданият бошқармаси (И.Рахимов) |
| 20. | Барча корхона, ташкилотлар, таълим муассасалари ходимлари ва ўқувчиларини Эркин Волҳидов мемориал музейига экскурсиялар уюштириш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Ўрта махсус, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (Қ.Ишанов), олий таълим муассасалари раҳбарлари, барча бошқарма, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари |
| 21. | Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳридаги Театр-саройларида шоир драмалари, сатирик ва юмористик асарларини саҳналаштириш ва шу орқали шоир асарларини халқимз қалбига янада яқинлаштириш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Маданият бошқармаси (И.Рахимов), Фарғона шаҳар (Ш.Эркабоев), Қўқон шаҳар (М.Усмонов), Марғилон шаҳар (М.Убайдуллаев) |
| 22. | Мактаб, колллеж, лицей ўқувчи ёшлар иштирокида “Эркин Воҳидов асараларида менинг қаҳрамоним” каби мавзуларда иншолар танловини ўтказиш | Сентябр, октябр | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Халқ таълими бошқармаси (М.Турдиматов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси (Қ.Ишанов), Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов) |
| 23. | Барча корхона ташкилотларда шоир асаралари асосида саҳналаштирилган фильмлар, спектаклларни намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ўтказиш | мунтазам | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Э.Сиддиқова), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова), Маданият бошқармаси (И.Рахимов), вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов) |